

**“Бизнесни ривожлантириш банки” АТБнинг 2023 йилдаги
фаолияти якунлари тўғрисида ҳисобот
(2024 йил 1 январь ҳолатига)**

Банкнинг умумий капитали **3 180,2 млрд. сўми** ташкил этди (жорий йил бошига нисбатан **8,0%** га ортган).

Устав капитали **1 856,8 млрд. сўми**, банкнинг активлари **27 062,9 млрд. сўми** ташкил этди (жорий йил бошига нисбатан **9,0%** га ўсган).

Даромад келтирувчи активлар **23 758,2 млрд. сўми** (жорий йил бошига нисбатан **6,0%** га ўсган), шундан:

- банклараро депозитлар **562,8 млрд. сўм**,

- жами кредит қўйилмалар **21 800,6 млрд. сўм**,

- инвестициялар **85,1 млрд. сўми** ва бунда даромад келтирувчи активларнинг жами активлардаги улуши **87,8%** ни ташкил қилди.

Депозитлар миқдори **6,7%** ўсиб **9 418,7 млрд. сўми** ташкил этди, шундан қисқа муддатли **1 348,9 млрд. сўм**, узоқ муддатли **8 069,7 млрд. сўм**дан иборатдир.

Қимматли қоғозлар **86,5 млрд. сўм**дан иборат бўлди. (жорий йил бошига нисбатан **16,9%** га камайган).

Жалб қилинган банклараро депозитлар **1 311,5 млрд. сўм**дан иборат бўлди. (жорий йил бошига нисбатан **31,8%** га ўсган).

Банкнинг соф фойдаси **236,0 млрд. сўми** ташкил қилиб, **ROA** активлар рентабеллиги **0,9%** ни, **ROE** капитал рентабеллиги **7,7%** ни ташкил қилди.

Банкнинг жами мижозлар сони – **1 581 477** та, шундан жисмоний шахслар – **1 517 617** та, юридик шахслар - **63 860** тага етди.

Муаммоли қарздорликлар улуши **8.9% (амалда 19,9%)**ни ташкил қилди.

Банк томонидан **6,5 трлн. сўм** кредит маблағлари ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 сентябрдаги ПҚ-306-сон ва 2023 йил 15 ноябрдаги ПҚ-366-сон қарорлари ижроси бўйича банк томонидан Кичик бизнесни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди.

Худудларда **14 та** кичик бизнесга кўмаклашиш марказлари ташкил этилди.

Ривожланган давлатлар ижобий тажрибаларини амалиётга жорий қилишда **Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, KPMG** халқаро экспертлари жалб қилинди.

Кичик бизнесни молиялаштириш ҳамда кўрсатиладиган молиявий хизматларни рақамлаштириш, ходимлар малакасини ошириш бўйича **Россиянинг Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш федерал корпорацияси ва “МСП Банк”** билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Тадбиркорлар учун **8 турдаги** молиявий маҳсулот ва **12 та** консултиватив хизматлар ишлаб чиқилди.

Тадбиркорларни ўқитиш дастури ишлаб чиқилди ва ушбу жараёнларда **Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Япониянинг Ямагата универститети** билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Тадбиркорларни ўқитиш уларга молиявий консултиватив хизматлар кўрсатиш, маҳсулот ва хизматларни сотиш, инвестицияларни жалб қилиш имконини берувчи **онлайн бизнес платформа** ишлаб чиқилди.

Сурхондарё вилоятининг Кичик бизнесга кўмаклашиш марказида **тадбиркорларни ўқитиш ишлари бошланди.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Республика ҳудудларига ташрифлари давомида тасдиқланган баёнлар ва бошқа ҳудудий дастурларга асосан **2023 йилда** қиймати **3 957,6 млрд. сўмлик** (шундан, банк кредити **2 208,3 млрд. сўм**) **577 та** лойиҳалар амалга оширилиши белгиланган бўлиб, натижада **8 408 та** иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

Бугунги кунда **433 та** лойиҳаларга **1 465,5 млрд. сўм** (шундан, 2023 йилнинг январь-декабрь ойларида **171 та** лойиҳага **482,3 млрд. сўм**) миқдорида кредит маблағлари ажратилган бўлиб, жами **2 200,2 млрд. сўмлик** (шундан, банк кредити **1 128,3 млрд. сўм**) **425 та** лойиҳалар ишга туширилди ва натижада **5 036 та** янги иш ўринлари яратилди.

2023 йил якуни билан банк томонидан **163,7 млн. АҚШ доллари** миқдоридаги хорижий кредит линиялари маблағлари жалб қилинди ва йиллик прогноз кўрсаткичи **114%га** бажарилди.

2023 йил давомида банк томонидан барча манбалар ҳисобидан **1 249,7 млрд. сўм** миқдорида ипотека кредитлари ажратилган.

Бундан ташқари, **26 857 та** хонадонли **652 та** кўп қаватли уй-жойларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш учун банк томонидан пудратчиларга **2 813,5 млрд. сўм** миқдорида кредит маблағлари ажратилган. Қуриб битказилган кўп қаватли уй-жойлардаги хонадонлар **12 816 та** фуқароларга **2 766,3 млрд. сўмлик** ипотека кредитлари эвазига сотилган, пудратчиларга ажратилган тижорат кредитлари қолдиғи **1 294,9 млрд. сўмни** ташкил этади.

Шундан, **2023 йил давомида 5 497 та** хонадондан иборат бўлган **56 та** кўп қаватли уй-жойларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш учун банк томонидан пудратчиларга **966,7 млрд. сўм** миқдорида кредит маблағлари ажратилган бўлиб, қуриб битказилган кўп қаватли уй-жойлардаги хонадонлар сотиб олиш учун **4 107 та** фуқароларга **1 249,7 млрд. сўм** миқдорида ипотека кредитлари ажратилди.

Бугунги кунда **120 та** кўп қаватли уй-жойларда қурилиш

ишлари олиб борилаётган бўлиб, кўп қаватли уй-жойлар тўлиқ қуриб битказилгандан сўнг хонадонларни сотиб олиш учун **13 874 та** фуқароларга **4 371,2 млрд. сўм** миқдорида ипотека кредитлари ажратиш режалаштирилган.

Шунингдек,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-32-сонли Фармонида асосан **2022 йилда** бошланган **“Янги Ўзбекистон”** массивлари бўйича **87 та** пудратчи томонидан қурилаётган **3 770 та** хонадондан иборат **128 та** кўп қаватли уй-жойларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш учун банк томонидан **262,8 млрд.сўм**лик кредит линияси очилиб, пудратчилар талаби асосида **238,3 млрд.сўм** миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Қурилиш ишлари якунланган уй-жойлар бўйича **848 та** фуқарога **193,1 млрд.сўм** миқдорида ипотека кредитлари ажратиб берилди.

Янги тартиб доирасида (ПФ-5886) аҳолига ипотека кредити ажратиш ҳолати бўйича:

2024 йил 1 январь ҳолатига ҳолатига банкимиз томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлигидан жами **4 175,9 млрд. сўм** жалб қилинди ва аҳолига бирламчи бозорда қурилган кўп квартирали уй-жойлардаги квартираларни сотиб олиш, уй-жой қуриш (реконструкция қилиш) учун **20 239 нафар** фуқароларга жами **4533,2 млрд. сўм** миқдорида, 2023 йил давомида **4 091 нафар** фуқароларга **1 080,3 млрд. сўм** миқдорида ипотека кредитлари ажратилди.

Шу жумладан, банкимиз томонидан жами **10 144 нафар** фуқароларга ажратилган **2 358,7 млрд. сўм**лик ипотека кредитлари бўйича, 2023 йил давомида **2 384 нафар** фуқароларга ажратилган **642,8 млрд. сўм**лик ипотека кредитлари бўйича Давлат бюджетидан бошланғич бадал ва/ёки фоиз тўловлари учун субсидия маблағлари тўланмоқда.

“Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси”АЖ маблағлари ҳисобидан ипотека кредитлари ажратиш ҳолати бўйича:

Бош битимга мувофиқ **2024 йил 1 январь** ҳолатига **“Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” АЖ** ва банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан аҳолига бирламчи, иккиламчи бозордан уй-жой сотиб олиш ва уй-жойларни таъмирлаш учун **1 315 нафар** фуқароларга **280,0 млрд. сўм**лик, 2023 йил давомида **151 нафар** фуқароларга **46,7 млрд. сўм** миқдорида ипотека кредитлари ажратилди.

Якка тартибдаги уй-жой қуриш ва реконструкция қилиш учун ипотека кредитлари ажратиш ҳолати бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **2020 йил 21 сентябрдаги 576-сонли қарорига** асосан **Андижон вилоятида** ва **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги ПФ-6186-сонли, 2021 йил 9 декабрдаги ПФ-33-сонли** ва **2023 йил 13 апрелдаги ПФ-51-сонли Фармонларига** мувофиқ барча ҳудудларда аҳолига якка тартибдаги уй-жой қуриш, реконструкция қилиш учун ипотека кредити ажратиш бўйича жорий қилинган механизмларга мувофиқ бугунги кунга қадар, банк томонидан **1 351 нафар** фуқароларга уй-жойини қуриш, реконструкция қилиш учун жами **294,8 млрд. сўм**лик кредит шартномалари доирасида **254,5 млрд. сўм** миқдорида ипотека кредитлари ажратилган ҳолда, банк томонидан 2023 йил давомида **105 нафар** фуқароларга **27,6 млрд. сўм**лик кредит шартномалари доирасида **21,3 млрд. сўм** миқдорида ипотека кредитлари ажратилди.